



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
То‘лқин Ismatulla o‘g‘li Yahyojev Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini takomillashtirishda korrelyatsion tahlil xususiyatlari	154
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Аҳолининг бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	161
Ойбек Мадатович Эсанов Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкларнинг ҳисобини такомиллаштириш масалалари	167
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шодиёр Абдихалилович Султонов Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	171
Акмал Абдувалиевич Абдусаидов Нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг худудий хусусиятлари ва ишлаш технологияси	175
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Инатилло Убайдуллаевич Нематов Олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришда маркетинг стратегиясидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари	181
Iroda Yormamatovna Beknazarova Ingliz tilini muammoli o‘qitish texnologiyasidan foydalangan holda o‘rgatish	188
АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ	
Shohista Bobobekovna Toyirova Muhofaza qilinadigan hududlarning tashkil etilishining jamiyat va tabiat munosabatlaridagi ahamiyati	191
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Ҳақиқий бахт Донишмандлар айтган саккизта ҳикматлар	197

Ашур Али Рустам ўғли Латипов – СамИСИ мақсадли таянч докторанти

АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада аҳолининг бандлигини таъминлашга таъсир этувчи бевосита ва билвосита омиллар ва уларни аниқлаш йўллари қараб чиқилган. Унда банд аҳолининг шу ҳудудда яшаётган аёлларга нисбати, барча аёлларнинг эркакларга нисбати, эркакларнинг бола тарбияси билан банд бўлган аёлларга нисбати, бола тарбияси билан банд аёлларнинг меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбати каби омилларнинг ўзаро боғлиқликлари ва уларнинг аҳоли бандлигига таъсири иқтисодий таҳлилнинг мультипликатив модели асосида занжирли алмаштириш усулини қўллаган ҳолда ҳисоблаш тартиби келтирилган.

Калит сўзлар: аҳоли, аҳоли бандлиги, омиллар, меҳнатга қобилиятли аҳоли, аёллар, эркаклар, бола тарбияси билан банд аёллар, бандлик даражаси, занжирли алмаштириш.

Кириш. Сўнги йилларда жаҳон мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда ҳам кун тартибининг асосий қисмларидан бири бу аҳолини камбағалликдан чиқариш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларга тасирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. 1993 йилдан буён ҳар йили 17 октябрь “Халқаро қашшоқликка барҳам бериш куни” сифатида БМТнинг рўйхатида белгиланган. БМТ Бош Ассамблеясининг “... дунёмизни ўзгартириш: барқарор ривожланиш бўйича 2030 йил кун тартиби” якуний ҳужжати 17 та глобал мақсадни ўз ичига олади. Белгиланган 17 та глобал мақсаднинг биринчиси 2030 йилга қадар “ҳамма жойда қашшоқликнинг барча кўринишларига барҳам бериш”дир [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-62-сон Қарори [2] қабул қилинган мамлакатда камбағалликни қисқартиришга ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган сиёсатнинг туб моҳиятини ифодалаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бугунги кунда мамлакатимизда “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси III-йўналиши миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган **34-мақсад** бўлиб, унда: “**Ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш**” ҳамда VI йўналиши миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш бўлимининг **85-мақсади: Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш**” [3-191-272 б] масалалари қўйилган. Булардан ҳам кўриниб турибдики, мазкур соҳани ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган объектив зарурият ушбу мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Аҳолининг бандлигини таъминлаш ва унга таъсир этувчи омилларнинг ҳисоб-китобини аниқлаш борасида бир қанча мамлакатимиз олимлари шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Қ.Х.Абдурахманов, М.М.Муҳаммедов, М.Қ.Пардаев [7, 8, 9, 10, 11], Б.И. Исроилов[7], Н.Арабов, Холмўминов Ш.Р., К.З.Хомитов, Ж.Х.Бобаназарова, Х.Х.Абдураманов, Н.Р.Саидов [4, 5], Умурзаков Б.Х [6], М.А. Икрамов, Л.Т. Абдухалилова [7], Д.Қ.Усманова, В.В.Маковеева [8], А.Н. Холикулов, Т.И. Яхёев [9, 10] кабиларни киритиш мумкин. Ушбу масалаларни тадқиқ қилиш жараёнида аниқландики, айрим олимларимиз асосий эътиборни фақат аҳолининг бандлигини ўрганишга асосий эътиборни қаратган бўлса, айримлари ушбу кўрсаткичга таъсир этувчи омилларни аниқлаш йўллари алоҳида аҳамият берилган. Аммо таъсирчан бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ушбу масалаларни яхлит ҳолда ўрганишни тақозо қилади. Шу жиҳатдан мазкур ишимиз ўта долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Аҳолининг бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари тадқиқ қилиш жараёнида индукция ва дедукция,

макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услублардан ва занжирли алмаштириш усулидан фойдаланилган. Бунда асосан мантиқий таҳлил усуллари орқали ёндошув ҳам қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Камбағалликни қисқартиришда аҳолининг бандлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли мамлакатимиз микёсида, шу жумладан ҳар бир ҳудудда аҳолисининг бандлигини таъминлаш муҳим рол ўйнайди. Бунинг учун аҳолининг бандлик даражасини (Бд) аниқлаш мақсадга мувофиқ. Ушбу кўрсаткични мультипликатив моделга киритиш учун “У” билан белгилаб оламиз. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун ҳудудда банд бўлган аҳоли сонини (Ас) меҳнатга қобилиятли аҳоли сонига (Мқа) бўлиш лозим бўлади.

$$У = Ас / Мқа ;$$

Ушбу кўрсаткичга бир қанча омиллар таъсир қилади. Булар таркибидан бевосита аҳоли сони ва уларнинг таркибий тузилиши билан боғлиқ омилларни алоҳида ажратиб олдик. Буларга ҳудуддаги жами аҳоли сони, шу ҳудуддаги меҳнатга қобилиятли аҳоли сони, ҳудудда банд бўлган аҳоли сони, ушбу ҳудудда яшовчи жами аёллар сони, ушбу ҳудудда яшовчи барча эркаклар сони, ҳудудда бола тарбияси билан шуғулланувчи аёллар сони киради. Бола тарбияси билан шуғулланувчи аёллар сонини олиншига сабаб, бир қанча аёллар иш билан банд бўлган ва улар маълум вақтда бола тарбияси билан шуғулланиб келмоқда. Болалар жамиятнинг келажаги бўлганлиги туфайли уларни тарбиялаётган оналарга алоҳида аҳамият берилиши лозим. Чунки инсон капитали айнан шу жараёндан бошланади. Мазкур кўрсаткичлар аҳоли бандлик даражасига бевосита таъсир қилади. Аммо уларнинг таъсирини ҳисоблаш учун уларнинг бир-бири билан боғлиқлигини таъминлаш лозим бўлади. Бу эса айнан иқтисодий таҳлил йўли билан аниқланади. Буларга қуйидаги кўрсаткичларни киритиш мумкин:

Биринчи омил сифатида, банд аҳолининг шу ҳудудда яшаётган бола тарбияси билан банд аёлларга нисбатини (R_1) олиш мумкин. Ушбу кўрсаткич шу ҳудудда банд бўлган барча аҳоли сонини (Ас) шу ҳудудда бола тарбияси билан банд бўлган аёллар сонига бўлиш йўли билан (Бта) аниқланади. Бу қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$R_1 = Ас / Бта ;$$

Иккинчи омил, юқоридаги кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқадиган кўрсаткичлардан бири бола тарбияси билан банд аёлларнинг (Бта) шу ҳудуддаги барча аёллардаги (Аб) ҳиссаси бўлиб ҳисобланади (R_2). Ушбу ўзаро боғлиқ бўлган омилни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$R_2 = Бта / Аб ;$$

Учинчи омил, шу ҳудудда яшаётган аёлларнинг барча эркакларга нисбатидан (R_3) иборат. Ушбу омилни аниқлаш учун мазкур ҳудудда яшовчи барча аёллар сонини (Аб) шу ҳудудда яшовчи барча эркаклар сонига (Эб) бўлиш йўли билан аниқланади. Мазкур омил қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$R_3 = Аб / Эб ;$$

Тўртинчи омил, ушбу ҳудудда яшовчи барча эркакларнинг меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбатидан (R_4) иборатдир. Ушбу омилни аниқлаш учун мазкур ҳудудда яшовчи барча эркаклар сонини (Эб) меҳнатга қобилиятли аҳоли сонига (Мқа) нисбати билан аниқланади. Ушбу ўзаро боғлиқ бўлган омилни аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади:

$$R_4 = Эб / Мқа ;$$

Ушбу омиллар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда иқтисодий таҳлилнинг мультипликатив моделини ташкил қилади. Бу қуйидаги формула кўринишига эга бўлади:

$$У = R_1 * R_2 * R_3 * R_4 = \prod_{i=1}^n X_i ;$$

Бунда: У – ҳудуд аҳолисининг бандлик даражаси;

R_1 – банд аҳолининг шу ҳудудда яшаётган бола тарбияси билан банд аёлларга нисбати;

R_2 – бола тарбияси билан банд аёлларнинг шу ҳудуддаги барча аёллардаги ҳиссаси;

R_3 – шу ҳудудда яшаётган аёлларнинг барча эркакларга нисбати;

R_4 – ушбу ҳудудда яшовчи барча эркакларнинг меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбати.

Иқтисодий таҳлил барча кўрсаткичларнинг, шу жумладан ҳудуд аҳолисининг бандлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичининг ҳам таҳлили, уларнинг умумий фарқини (ΔY) аниқлашдан бошланади. Бунинг учун унинг ҳақиқий миқдоридан ($R_1^x * R_2^x * R_3^x * R_4^x$) режадаги миқдори ($R_1^p * R_2^p * R_3^p * R_4^p$) айрилади. Бу қуйидагича ҳисобланади:

$$\Delta Y = (R_1^x * R_2^x * R_3^x * R_4^x) - (R_1^p * R_2^p * R_3^p * R_4^p);$$

Ҳудуд аҳолисининг бандлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичнинг ўзгаришига биринчи омилнинг, яъни банд аҳолининг шу ҳудудда яшаётган бола тарбияси билан банд аёлларга нисбатининг таъсирини (ΔY_{R1}) аниқлаш учун унинг шу биринчи омил билан қайта ҳисобланган миқдоридан ($R_1^x * R_2^p * R_3^p * R_4^p$) натижанинг режадаги миқдори ($R_1^p * R_2^p * R_3^p * R_4^p$) айрилади. Бу қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$\Delta Y_{R1} = (R_1^x * R_2^p * R_3^p * R_4^p) - (R_1^p * R_2^p * R_3^p * R_4^p);$$

Натижа кўрсаткичи бўлган корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсаткичи ўзгаришига иккинчи омилнинг, яъни бола тарбияси билан банд аёлларнинг шу ҳудуддаги барча аёллардаги ҳиссасининг таъсирини (ΔY_{R2}) аниқлаш учун унинг шу иккинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдоридан ($R_1^x * R_2^x * R_3^p * R_4^p$) натижанинг биринчи омил билан қайта ҳисобланган миқдори ($R_1^x * R_2^p * R_3^p * R_4^p$) айрилади. Буни қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин бўлади:

$$\Delta Y_{R2} = (R_1^x * R_2^x * R_3^p * R_4^p) - (R_1^x * R_2^p * R_3^p * R_4^p);$$

Натижа кўрсаткичи бўлган корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсаткичи ўзгаришига учинчи омилнинг, яъни шу ҳудудда яшаётган аёлларнинг барча эркакларга нисбатининг таъсирини (ΔY_{R3}) аниқлаш учун унинг шу учта омил билан қайта ҳисобланган миқдоридан ($R_1^x * R_2^x * R_3^x * R_4^p$) натижанинг иккинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдори ($R_1^x * R_2^x * R_3^p * R_4^p$) айрилади. Буни ҳам қуйидаги формула орқали ҳисоблаш мумкин бўлади:

$$\Delta Y_{R3} = (R_1^x * R_2^x * R_3^x * R_4^p) - (R_1^x * R_2^x * R_3^p * R_4^p);$$

Натижа кўрсаткичи, яъни корхонанинг молиявий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичнинг ўзгаришига тўртинчи омилнинг, яъни ушбу ҳудудда яшовчи барча эркакларнинг меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбатининг таъсирини (ΔY_{R4}) аниқлаш учун унинг шу тўртта омил билан қайта ҳисобланган миқдоридан ($R_1^x * R_2^x * R_3^x * R_4^x$) натижанинг учинчи омил билан қайта ҳисобланган миқдори ($R_1^x * R_2^x * R_3^x * R_4^p$) айрилади. Буни ҳам қуйидаги формула орқали ҳисоблашни тавсия қиламиз:

$$\Delta Y_{R4} = (R_1^x * R_2^x * R_3^x * R_4^x) - (R_1^x * R_2^x * R_3^x * R_4^p);$$

Барча омиллар таъсири натижа кўрсаткичи бўлган корхонанинг молиявий барқарорлик кўрсаткичининг умумий фарқига тенг бўлиши лозим. Буни қуйидаги формула орқали аниқлаш мумкин:

$$\Delta Y = \Delta Y_{R1} \pm \Delta Y_{R2} \pm \Delta Y_{R3} \pm \Delta Y_{R4};$$

Ушбу усулни қўллаган ҳолда юқорида қайд этилган омиллар таъсирини занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш мумкин бўлади. Бунинг учун аниқ маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бунинг учун маълум бир ҳудудни мисол қилиб олиш лозим бўлади. Бугунги кунда жуда катта эътибор қаратилаётган объектлардан бири маҳаллалардир. Шу туфайли тадқиқот объекти сифатида Самарқанд шаҳридаги Қуйи Хўжасахат маҳалласини танлаб олдик. Буни амалга ошириш учун маҳаллада аҳоли сони ва унинг таркибий тузилиши бўйича 2020-2022 йиллар маълумотлари олинди. Мазкур усулни қўллаган ҳолда ҳисоб-китобни туман, шаҳар, вилоят ва мамлакат миқёсида ҳам амалга ошириш мумкин. Масалага ойдинлик киритиш ва ҳисоб-китоб натижаларининг таъсирчанлигини амалга ошириш мақсадида биз ушбу маҳаллани мисол тариқасида олишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Буларнинг ҳисоб-китоби қуйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳудуднинг жами аҳолиси, мамлакатимизнинг аҳолиси сингари кўпайиш тенденциясига эга бўлиб, 2022 йилда 2020 йилга нисбатан 135 кишига ёки 104,3 %га кўпайган. Меҳнатга қобилиятли аҳолининг сони

1-жадвал

Қуйи Хўжасахат маҳалласида аҳоли сони ва унинг таркибий тузилиши билан боғлиқ омилларнинг 2020-2022 йиллардаги ҳисоб-китоби

Т/р	Кўрсаткичлар	2020 йил	2022 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Худуднинг жами аҳолиси, киши	3130	3265	+135	104,3
2.	Меҳнатга қобилиятли аҳоли, киши	2518	2672	+154	106,1
3.	Худудда банд бўлган аҳоли сони, киши	755	948	+193	125,6
4.	Ушбу худудда яшовчи жами аёллар сони, киши	1519	1489	-30	98,0
5.	Ушбу худудда яшовчи барча эркаклар сони, киши	1611	1776	+165	110,2
6.	Худудда бола тарбияси билан шуғулланувчи аёллар сони, киши	306	280	-26	91,5
7.	Банд аҳолининг шу худудда яшаётган бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга нисбати (R ₁), киши (3к/6к)	2,47	3,39	+0,92	137,2
8.	Бола тарбияси билан банд аёлларнинг шу худуддаги барча аёллардаги улуши, % (R ₂) (6к/4к)	20,14	18,80	-1,34	93,3
9.	Шу худудда яшаётган аёлларнинг барча эркаклардаги улуши, % (R ₃) (4к/5к)	94,29	83,84	-10,45	88,9
10.	Барча эркакларнинг меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбати, % (R ₄) (5к/2к*100).	63,99	66,47	+2,48	103,9
11.	Худуд аҳолисининг бандлик даражаси, % (У) (3к/2к*100)	29,98	35,52	+5,54	118,5

ҳам 106,3 %га ёки 154 кишига кўпайган. Ушбу кўрсаткичнинг аҳоли сонига нисбатан ўсиш тезлиги 1,02 коэффициентни (106,3 / 104,3) ташкил қилади. Маҳаллада ижобий ҳолатлардан бири худудда банд бўлган аҳоли сонининг ўсишининг анча юқорилигидир. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати 125,6 %ни ёки 193 кишини ташкил қилади. Мазкур кўрсаткичнинг аҳоли сонига нисбатан ўсиш тезлиги 1,20 коэффициентга (125,6 / 104,3) тенг. Демак, ушбу ҳолат маҳаллада бандлик даражаси йилдан-йилга ошиб бораётганлигидан далолатдир. Ҳозирги пайтда ҳар бир худудда яшайдиган аёлларга, уларнинг ижтимоий аҳолига алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, ушбу худудда яшовчи жами аёллар сони 2,0%га ёки 30 кишига камайган. Бу иккита омил эвазига амалга ошган. Биринчидан қиз болаларнинг ўғил болаларга нисбатан кам туғилиши бўлса, иккинчидан қизларнинг бошқа худудга турмушга берилиши сабаб бўлган. Бунга яна бир далил ушбу худудда яшовчи барча эркаклар сони 165 кишига ёки 110,2 %га кўпайган. Охириги пайтларда болаларнинг туғилиши мамлакатимиз сингари ушбу худудда ҳам камайиш рўй бермоқда. Натижада худудда бола тарбияси билан шуғулланувчи аёллар сони 26 кишига ёки 8,5 %га (100,0 - 91,5) камайган.

Ушбу кўрсаткичлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Шу туфайли улардан тўртта омил шакллантирилган. Буларга қуйидагилар киради:

1-омил. Банд аҳолининг шу худудда яшаётган бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга нисбати (R₁);

2-омил. Бола тарбияси билан банд аёлларнинг шу худуддаги барча аёллардаги улуши, % (R₂);

3-омил. Шу худудда яшаётган аёлларнинг барча эркаклардаги улуши, % (R₃);

4-омил. Барча эркаларнинг меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбати, % (R4).

Ушбу омиллар ҳудуд аҳолисининг бандлик даражаси ўзгаришига бевосита таъсир қилади.

Юқорида таъкидланганидек, ушбу бир-бири билан ўзаро боғлиқ омиллар таъсири иқтисодий таҳлилнинг мултипликатив моделини қўллаган ҳолда аниқланади. Бунинг учун куйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади. (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳудуд аҳолисининг бандлик даражаси ўзгаришига бевосита таъсир қилувчи омилларнинг мултипликатив моделини қўллаган ҳолда занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш ҳисоб-китоби

Омиллар кетма-кетлиги	Занжирли алмаштириш усули билан ҳисоблаш методикаси	Омилларнинг қиёсланиши	Таъсир ҳажми
Натижанинг фарқи	$(3,39 * 18,80 * 83,84 * 66,47) - (2,47 * 20,14 * 94,29 * 63,99)$;	35,52 – 29,98	+5,54
1-омил таъсири	$(3,39 * 20,14 * 94,29 * 63,99) - (2,47 * 20,14 * 94,29 * 63,99)$;	41,19 – 29,98	+11,21
2-омил таъсири	$(3,39 * 18,80 * 94,29 * 63,99) - (3,39 * 20,14 * 94,29 * 63,99)$;	38,45 – 41,19	-2,74
3-омил таъсири	$(3,39 * 18,80 * 83,84 * 63,99) - (3,39 * 18,80 * 94,29 * 63,99)$;	34,19 – 38,45	-4,26
4-омил таъсири	$(3,39 * 18,80 * 83,84 * 66,47) - (3,39 * 18,80 * 83,84 * 63,99)$;	35,52 – 34,19	+1,33
Жами	11,21 – 2,74 – 4,26 +1,33	35,52 – 29,98	+5,54

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳудуд аҳолисининг бандлик даражаси 2022 йилда 2020 йилга нисбатан 5,54 %га ошган. Ушбу ўзгаришига бевосита таъсир қилувчи омилларнинг мултипликатив моделини қўллаган ҳолда занжирли алмаштириш усули билан аниқлаш натижасида куйидаги натижалар қўлга киритилди. Булар:

Натижа кўрсаткичига биринчи омил, яъни банд аҳолининг шу ҳудудда яшаётган бола тарбияси билан шуғулланаётган аёлларга нисбатининг 0,92 бандга ошганлиги натижа кўрсаткичи 11,21 бандга кўпайган.

Иккинчи омил, яъни бола тарбияси билан банд аёлларнинг шу ҳудуддаги барча аёллардаги улушининг 2,74 %га камайганлиги натижа кўрсаткичини, яъни ҳудуд аҳолисининг бандлик даражасининг 2,74 бандга камайганлигини кўрсатади.

Учинчи омил, яъни шу ҳудудда яшаётган аёлларнинг барча эркалардаги улуши шу таҳлил даврида 10,45 %га камайганлиги натижа кўрсаткичини 4,26 бандга камайишига олиб келган.

Тўртинчи омил. Барча эркаларнинг меҳнатга қобилиятли аҳолига нисбатининг 2,48 %га ошганлиги, натижа кўрсаткичига ижобий таъсир қилган бўлиб, унинг 1,33 бандга ошганлигини кўрсатади.

Барча омиллар таъсири натижа кўрсаткичининг умумий фарқига тенглиги, масаланинг мантиқан тўғри шакллантирилганлигидан ва ҳисоб-китобнинг ҳам тўғри амалга оширилганлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу таҳлил натижаси шуни кўрсатмоқдаки, келгусида бола тарбияси билан банд аёлларнинг шу ҳудуддаги барча аёллардаги улушини ошириш чораларини кўришни тақозо қилади. Чунки болалар юрт келажаги. Бунга алоҳида аҳамият бериш лозим. Шу йўл билан натижа кўрсаткичини, яъни ҳудуд аҳолисининг бандлик даражасининг 2,74 бандга камайганлигинининг олди олинади.

Шунингдек, ҳудудда яшаётган аёлларнинг барча эркалардаги улушини ҳам оширишни тақозо қилмоқда. Чунки ушбу омилнинг камайганлиги натижа кўрсаткичини ҳам камайишига сабаб бўлди. Натижада аҳоли бандлигининг 4,26 бандга камайишига олиб

келган. Бу ўта нозик масала. Ҳеч бўлмаганда бир маромда ушлаб туриш чораларини кўриш лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур илмий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши ва ўқув адабиётларига киритилиши Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясининг ва унда таълим сифатининг амалга оширилишида муҳим илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://www.un.org/sustainabledevelopment/poverty/>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-62-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.
4. Холмўминов Ш.Р., К.З.Хомитов, Ж.Х.Бобаназарова, Х.Х.Абдураманов, Н.Р.Саидов. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари. Монография. – Тошкент, «Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи», 2019. – 243 б.
5. Холмўминов Ш.Р., К.З.Хомитов, Ж.Х.Бобаназарова, Х.Х.Абдураманов, Н.Р.Саидов. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг стратегик йўналишлари. Монография. – Тошкент, «Инновацион ривожланиш нашриёт – матбаа уйи», 2020. – 278 б.
6. Умурзаков Б.Х. ва бошқалар. Мехнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий усуллари. Монография. – Тошкент, «LESSON PRESS», 2017. – 184 б.
7. Икрамов М.А., Пардаев М.Қ., Абдухалилова Л.Т. Маркетинг тадқиқотларида статистик таҳлил. Дарслик. – Т.: “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2022. – 470 бет.
8. Пардаев М.Қ., Усманова Д.Қ., Маковеева В.В. Иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. – Самарқанд, СамДУ нашри, 2023. – 268 бет.
9. Пардаев М.Қ., Холикулов А.Н., Яхёев Т.И. Молиявий ва иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш. Ўқув қўлланма. – Самарқанд. “FAN BULOG‘I”: 2022. – 146 бет.
10. Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И., Холикулов А.Н., Яхёев Т.И. Мехнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Самарқанд. “FAN BULOG‘I”: 2022. – 176 бет.
11. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. 4-нашр. – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 588 бет.

<p style="text-align: center;">А.Латипов</p> <p>Факторы, влияющие на занятость населения, и пути их определения</p> <p>Аннотация: в статье рассматриваются прямые и косвенные факторы, влияющие на занятость населения, а также способы их определения. Учитываются данные на определенной территории проживающего населения в выявлении факторов как соотношение занятого населения к женщинам, соотношение женщин к мужчинам, соотношение мужчин и женщин, занимающихся воспитанием детей, соотношение женщин, занимающихся воспитанием детей к численности трудоспособного населения. Кроме того, представлена процедура расчета взаимосвязей факторов и их влияния на занятость населения на основе мультипликативной модели экономического анализа с использованием метода цепного замещения.</p> <p>Ключевые слова: население, занятость населения, факторы, трудоспособное население, женщины, мужчины, женщины занимающиеся воспитанием детей, уровень занятости, цепное замещение.</p>	<p style="text-align: center;">A.Latipov</p> <p>Factors affecting the employment of the population, and ways to determine them</p> <p>Abstract: the article discusses direct and indirect factors affecting the employment of the population, as well as ways to determine them. Data on a certain territory of the resident population are taken into account in identifying factors such as the ratio of the employed population to women, the ratio of women to men, the ratio of men and women involved in raising children, the ratio of women involved in raising children to the working-age population. In addition, a procedure for calculating the interrelationships of factors and their impact on employment based on a multiplicative model of economic analysis using the chain substitution method is presented.</p> <p>Keywords: population, employment, factors, working-age population, women, men, women involved in raising children, employment rate, chain substitution.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023